
УЧКЎПРИК ТУМАНИДА ЙИЛЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ 2,4 МИЛЛИОН МЕТР КВАДРАТ БЎЛГАН ГИПСОКАРТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Учкўприк туманида, “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида гипс ва гипсокартонли листлар ишлаб чиқарувчи “Кағоза гірс” корхонаси иш бошлади. Тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иштирок этди.

Очилиш тадбирида сўз олган вилоят ҳокими, мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб, халқнинг турмуш даражасини кўтариш, фаровонлигини оширишда тадбиркорлар асосий таянч эканини таъкидлади.

Лойиҳа қиймати 39,6 млрд. сўм бўлган ушбу корхонада Учкўприк ва унга яқин ҳудудларда яшовчи ёшлар учун 100 та янги иш ўринлари яратилди. Корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 2,4 миллион метр квадрат бўлиб, йиллик экспорт ҳажми 1,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлиши режалаштирилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-15 18:44:59